
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЭРИШИЛГАН БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 79 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ “МОТАМСАРО ОНА” ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

Бугун эрта тонгдан Фарғона шаҳридаги "Ватанпарварлар боғи"да 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, ҳоким ўринбосарлари, котибият ва гуруҳ раҳбарлари биргаликда вилоят ҳокимлиги номидан “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гулчамбар қўйилиб, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Шунингдек, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов, вилоят мудофаа, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминловчи органлари раҳбарлари, вилоят бошқармалари ва ташкилотлари бошлиқлари ва ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ҳам мажмуа пойига гулчамбарлар қўйишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-09 10:52:46